



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 4 октябрь, чоршанба № 146 (978)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 октябрь кuni Оқсаройда Халқаро молия корпорацияси ижрочи вице-президенти Питер Войкени қабул қилди.

Мазкур корпорация Жаҳон банки таркибидagi тузилма бўлиб, асосий мақсади хусусий секторни тараққий эттиришда ривожланаётган мамлакатларга кўмаклашишдан иборат. Унинг лойиҳалардаги иштироки шуниси билан муҳими, корпорация аввал лойиҳани тадқиқ қилиб, унинг нечоғли самарадорлигини аниқлайди. Бу борада асосан уч талабдан келиб чиқилади: лойиҳа мамлакатга ва молиялашда қатнашган сармоядорга муқаррар



фойда келтириши, агар мўхитга зарар etkazмаслиги керак. Одатда, корпорация лойиҳанинг унчалик катта бўлмаган қисмини молиялаштиради. Шунинг ўзидек чет эллик сармоядорларда лойиҳа сама-

ра беришига ишончни мустаҳкамлайди, бошқача айтганда, Халқаро молия корпорацияси ўзига хос кафолат вази-фасини ўтайди. Хозирга қадар ушбу ташкилот Ўзбекистондаги ўндан ортқ лойиҳа-

ни маъқуллаган ва қисман молиялаштирган. Уларнинг қиймати 211,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, бунда корпорациянинг улуши 72,78 миллионни ташкил этади. Маълумотларга кўра, айна пайтда яна

дирди. Ўзбекистонга ташрифингиз бу ердаги ислохотлар жараёни, улкан ўзгаришлар билан яқиндан танишиш учун яхши имконият яратди, - деди Ислам Каримов учрашув аввалида. - Қатор ташкилот ва идораларда бўлиб, юртимиз иқтисодий ҳаётида юзага келган вазият ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилдингиз. Бу ҳамкорлик уфқларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳукумати Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга катта аҳамият бераётганини таъкидлади. Учрашувда шу хусусда Узаро фикр алмашилди.

(ЎзА).
Суратда: қабул пайти.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

ВАТАН ҒОЛИБЛАРНИ КЎТЛАМОҚДА

Эрталабдан буйн майдалаб ёғайтган ёмғир Олимпия ўйинлари ғолиблари - бокс бўйича Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, эркин кураш бўйича кумуш медал соҳиблари Артур Таймазов, бокс бўйича бронза медаллари соҳиблари Рустам Саидов ва Сергей Михайловни олиб келаётган самолёт Тошкент аэропортига кўнишига ўн дақиқа қолганда тўхтади.

Трапда энг аввал мустақил Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб олган Муҳаммадқодир Абдуллаев пайдо бўлди. Ундан сўнг ўз галабаларидан масрур, бир оз ҳаяжонланган спортчиларимизнинг чеҳралари кўринди. Уларни кутиб олаётганлар орасидаги хурсандчилик овозлари саломалик, табрикларни ҳам босиб кетди, ҳамма уларни кучиб, ўз шодлигини изҳор қилишга интиларди.

Аэропортда олимпиада қаҳрамонларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рискиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ҳамидулла Кароматов ва Уктам Исмоилов қарши олди. Улар Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Таймазов, Рустам Саидов ва Сергей Михайловни оталарча кучиб, улкан галаба билан табриклашди.

- Муҳаммадқодир, Сиднейда муқофотни топишигиз маросимда кўнглигиздаги қувонч ёшларини ҳамма кўрди. Уша унутилмас дақиқаларда нималарни ўйла-

нида, давлатимиз раҳбари спортчиларга бу қадар эътибор бермаганида, у бундай муваффақиятга эриша олмас эди.

Ҳаётимнинг энг бахтли кунда Ислам Каримовга Ўзбекистонликларга муносиб турмуш шароити ярати бераётгани учун чин юракдан миннатдорлик билдирмоқчиман.

Кумуш медал соҳиблари Артур Таймазов ҳатто дўстлари даврасида ҳам бироз маҳзундек кўринар эди.

- Олимпия олтин медалини жуда-жуда орзу қилиб, ўз галабам билан халқимизни хурсанд қилмоқчи эдим. Бироз тажрибам етишмади, эҳтимол омадим келмагандир. Фақат бир нарсга кўнглимга тасалли беради. Келгуси Олимпия ўйинларидан Тошкентга олтин медал билан қайтиш учун бутун куч-ғайратимни аямаяман.

Миллий Олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиев бироз хорғин кўринса-да, Ўзбекистонлик спортчиларнинг Олимпия ўйинларидаги иштироки натижаларидан мамун кўринади.

- Сиднейга жунаётган пайтимизда биз 4-5 медал билан қайтишни мўлжаллаган эдик. Боксчи Руслан Чагаев, дзюдо-чилар Армен Багдасаров ва Фарход Тўраевдан умидимиз катта эди.

Улар энг юқори муқофотларга муносиб спортчилардир. Бирок спорт ўз қонунларига эга - Сиднейдаги Олимпия ўйинлари замоний спорт тез суръатлар билан ривожланаётганини кўрсатди.

Ҳакамлар томонидан ҳам хатоларга йўл қўйилди. Афсуски, бу ҳол боксчимиз Рустам Саидовга ҳам таъсир кўрсатди. Ҳакамлар комиссиясига даъво аризаси берилгач, югославиялик ҳакам му-

ладим. Ёлғиз ўғлини бокс секциясига топшириб, шундай ёруғ кунларни мен билан бирга орзиқиб кутган отам - Муҳаммадқодир Абдуллаевни эсладим. Менга ҳаёт ато этган, барча яхшиликларни раво кўрган онажонимни эсладим.

Уз устозларим, бокс бўйича ўртоқларимни эсладим. Ёлғиз ўғлини бокс секциясига топшириб, шундай ёруғ кунларни мен билан бирга орзиқиб кутган отам - Муҳаммадқодир Абдуллаевни эсладим. Менга ҳаёт ато этган, барча яхшиликларни раво кўрган онажонимни эсладим.

Норасмий умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон 199 давлат ичида 41-ўринга кўтарилди, ваҳоланки, Атлантада биз 197 давлат ичида 88-ўринни эгаллаган эдик.

Мамлакатимиз боксчилари ўз чиқишлари якунига кўра, 199 давлатнинг бокс жамоалари орасида тўртинчи ўринни кўлга киритди. Бу Сиднейдаги Олимпия ўйинларида содир бўлган энг муҳим воқеа, энг катта ютуқдир!

Светлана ТЕН,
ЎзА мухбири.

Мен ўз галабам билан жонажон Ўзбекистоним шарафини юксалтирдимдан, халқимизни хурсанд қила олганимдан, ҳар бир спортчиға беҳад гамхўрлик кўрсатаётган Президент Ислам Каримовга миннатдорлигимни олтин медал билан изҳор эта олганимдан бахтиёр эдим.

Уз устозларим, бокс бўйича ўртоқларимни эсладим. Ёлғиз ўғлини бокс секциясига топшириб, шундай ёруғ кунларни мен билан бирга орзиқиб кутган отам - Муҳаммадқодир Абдуллаевни эсладим. Менга ҳаёт ато этган, барча яхшиликларни раво кўрган онажонимни эсладим.

Норасмий умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон 199 давлат ичида 41-ўринга кўтарилди, ваҳоланки, Атлантада биз 197 давлат ичида 88-ўринни эгаллаган эдик.

Мамлакатимиз боксчилари ўз чиқишлари якунига кўра, 199 давлатнинг бокс жамоалари орасида тўртинчи ўринни кўлга киритди. Бу Сиднейдаги Олимпия ўйинларида содир бўлган энг муҳим воқеа, энг катта ютуқдир!

Светлана ТЕН,
ЎзА мухбири.

Мамлакатимиз боксчилари ўз чиқишлари якунига кўра, 199 давлатнинг бокс жамоалари орасида тўртинчи ўринни кўлга киритди. Бу Сиднейдаги Олимпия ўйинларида содир бўлган энг муҳим воқеа, энг катта ютуқдир!

Яқинда Москвада бўлиб ўтган учинчи Евроосий телефорумида Ўзбекистон Республикаси Президентининг вакили Ш.Курбонбоев тасвирга туширган «Ислам Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» туркумидаги фильмларнинг «Миллий хавфсизликнинг ҳарбий-стратегик асослари» деб номланган туртинчи қисми кино анжуманининг ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги фильмлар номини буйича бош совринига сазовор бўлди.

Ўзбекистон илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан суратга олинган бу картина телефорумнинг «Фуқаролик жамиятини қарор топтириш ва инсон ҳуқуқлари» мавзусидаги фильмлар танловида ҳам дипломга лойиқ деб топилди.

Фильмларимиз Евроосий телефоруми совриндори

«Ўзбекино» давлат акционерлик компаниясида мазкур фильм яратувчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда фильм ижодкорлари журналистларга МДХ ҳамда Болтиқбўйи республикаларининг 158 дан зиёд кинокомпаниялари ўз асарлари билан иштирок этган Москва телефоруми нуфузли ҳайъати ва танқидчилар ушбу картинада кўтарилган мавзу минтақада, қолаверса, бутун дунёда гоёт муҳим аҳамиятга эга эканлигига алоҳида эътиборни қаратганини таъкидладилар.

Кино анжуманида эътироф этилганидек, Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққибёт кафолатлари» асари асосида суратга туширилган туркум фильмларнинг мазкур қисмида давлатимиз раҳбарининг катъий ва оқилона сиёсати боис нафақат мамлакатимизга, балки бутун дунёга хавф солаётган халқаро терроризм ва нарқобизнеснинг пайи қирқилаётгани, эл-юрт тинчлиги ва оқсоишталлиги таъминланаётгани акс эттирилган.

Яна шуниси эътиборлики, Узелерадиокомпания қошидаги «Ўзбектеlevision» студиясининг «Ўзбекистон олтини», «Жавоҳир», «Н.Кучерский» сингари фильмлари ҳам телефорумнинг махсус совринлари билан тақдирланди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Олимпия чемпиони биринчилардан бўлиб мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов табриклади.

Президент Муҳаммадқодир Абдуллаевни бутун ўзбек халқи, спорт-

чиларимизнинг галабасига сидқидилдан ишонган барча ватандошларимиз билан биргаликда Олимпия ўйинларида кўлга киритган улкан галабаси билан самимий табриклади.

- Муҳаммадқодир Абдуллаев Халқаро бокс ассоциацияси таснифига кўра 3 йилдан буйн сайёрамизнинг Биринчи боксчиси, 1999 йилги Жаҳон чемпиони унвонларига эга. Шунингдек, 1998 йилги Жаҳон кубоғи совриндори, икки карра Осиё чемпиони, 1998 йил Бангкогда бўлиб ўтган Осиё ўйинлари ғолибидир. Унга фақат Олимпия чемпиони унвони етишмас эди, - дейди Ўзбекистон бокс федерациясининг бош котиби, республикада хизмат кўрсатган мураббий Алишер Қодиров.

- Ниҳоят Сиднейда у эзгу мақсадига эришди - Муҳаммадқодир Олимпия чемпиони бўлди.
(Давоми 4-бетда.)

ЎЗБЕК БОКСЧИСИ - ОЛИМПИА ЧЕМПИОНИ



Сиднейда бўлиб ўтган XXVIII Олимпия ўйинларини бутун дунё зўр қизиқиш ва эътибор билан кузатди. Ушбу энг йирик спорт анжумани иштирокчиси бўлган 199 давлатнинг ҳар бирида ўз юртдошларининг галабасига ишонч ва умид туйғулари ҳукмрон эди.

Ҳамюртимиз, ўзбекистонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев ана шундай унутилмас тарихий галабалардан бирини кўлга киритди. У Сиднейда бокс бўйича Олимпия чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Олимпия чемпиони биринчилардан бўлиб мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов табриклади. Президент Муҳаммадқодир Абдуллаевни бутун ўзбек халқи, спорт-

чиларимизнинг галабасига сидқидилдан ишонган барча ватандошларимиз билан биргаликда Олимпия ўйинларида кўлга киритган улкан галабаси билан самимий табриклади.

- Муҳаммадқодир Абдуллаев Халқаро бокс ассоциацияси таснифига кўра 3 йилдан буйн сайёрамизнинг Биринчи боксчиси, 1999 йилги Жаҳон чемпиони унвонларига эга. Шунингдек, 1998 йилги Жаҳон кубоғи совриндори, икки карра Осиё чемпиони, 1998 йил Бангкогда бўлиб ўтган Осиё ўйинлари ғолибидир. Унга фақат Олимпия чемпиони унвони етишмас эди, - дейди Ўзбекистон бокс федерациясининг бош котиби, республикада хизмат кўрсатган мураббий Алишер Қодиров.

- Ниҳоят Сиднейда у эзгу мақсадига эришди - Муҳаммадқодир Олимпия чемпиони бўлди.
(Давоми 4-бетда.)



ЯНГИ ГАЛАБАЛАРГА РУҲЛАНТИРДИ

Йигирманчи асрнинг сўнги энг йирик спорт мусобақаси ғолиблари орасида ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам борлиги ҳар бир ўзбекистонлик қатори мени ҳам бе-ниҳоя хушнуд этди.

Ҳа, ҳар қанча қувонсақ арийдим: ўзбек боксчиси — Олимпия чемпиони! Муҳаммадқодирни ҳаёлан мен ҳам қайта-қайта кутладим. Ўзбекистон ва ўзбек деган номни жаҳонга ёйганидан беҳад севиנדим.

Энг зўрлар орасида энгилмас ва биринчи бўлиш осон эмас. Бунга куч ва метин ирода, тинимсиз меҳнат эвазига эришилади. Узим ҳам боксчи бўлганим боис унинг машаққатини яхши хис этаман. Муҳаммадқодир улуг мартабага ҳақли равишда етишди.

Боксчимиз кучган зафар бутун халқимизнинг ютуғидир. Унга берилган олтин

медал халқимизга аталган муқофот, деб биламан. Олтин медалларинг кўпайверсин, дўстим, мустақил давлатимиз шарафини химоя қилишингда, Ўзбекистон номини оламга ёйишда бундан буйн ҳам омад ёр бўлаверсин. Чемпионларимиз сафи кенгаверсин.

Карим ТўЛАГАНОВ,
XXVI ёзи олимпия ўйинлари бронза медали совриндори.

Кўнглимиз тоғдек кўтарилди

Муҳаммадқодир Абдуллаев олимп чўқисини эгаллаган, жаҳон узра жонажон Ўзбекистонимиз байроғи кўтарилди, мадҳияси мағрур янграган ўша кунда институимизнинг 2-3 босқич талабалари Урта Чирчиқ туманида жойлашган ўқув тажриба майдонида пахта тараётган эдик. Факультетимиз декани ўринбосари, ўқув тажриба гуруҳимиз раҳбари Зафар Абдуллаев

ҳамюртимизнинг галабаси ҳақидаги хушхабарни етказганда, ростки, қувончдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Шу кунни чинакам байрам бўлди. Ҳаммамнинг қалбида қувонч, гурур, ифтихор туйғулари жўш урди. Ёмғир шивираб ёғиб турганига қарамай тенгдошларимизнинг бирортаси пахтазорини тарқ эттиси келмасди. Ахир, Муҳаммадқодирнинг галабаси Ўзбекистоннинг 26 миллион фуқаролари қатори биз ёшларнинг ҳам галабамиз, ютуғимиз эди-да.

Чемпионимизнинг ютуғи ҳар бир ўзбек ўғлонининг юрағига ўт солди, ўзига ишонч туйғулари уйғотди. Бундан буйн 100-150 килограммдан пахта терган Фаруҳ Султонов, Камол Байзақов, Қобил Бердиқулов, Ойбек Зиёдуллаев, Илҳом Абдиев каби тенгдошларимизнинг жасоратли меҳнатларида, «пахтадан қайтган бокс тўғарағига қатнашман» деб ният қилган жўрала-

римнинг орзуларида кўрдим. Насиб этса, бир кун келиб, юракларда уйғонган бу ўт Ватан рамзини, миллат фахр-ифтихориға айланажак. Изингда издошимиз, чемпион!

Шохруҳ РАУПОВ,
Тошкент ирригация ва кишлққ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаси.

МАРДУ МАЙДОНЛАРИ Кўпдир бу элнинг

Сидней ўйиниҳоида юртдошимиз, ўзбек ўғлини Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг олимпия олтин медалига сазовор бўлиши биз кинимехлик чорвадорларнинг ҳам кўксимизни баланд кўтарди. Фахрланмай бўладими, ахир. Юртинг мард ўғлини Сидней майдонида жаҳонга Ўзбекистон байроғини мағрур хилпиратди.

Биз чорвадорлар тугма спорт ишқибозимиз. Мақтанаш демангу, мен ўзим

уста курашчман. Чўлда бирон йиғин, тўй йўқки чавандозлар беллашуви ўтказилмасин. Шу боисдан минг мардлик, тантлиқ халқимиз табиятига сингич кетган.

Хўжалигимиз ҳисоб рақамида ҳозир 35 миллион сўм соф фойда бор. Бу дегани энди ижтимоий масалаларга эътибор қаратишга бе-малол қурбимиз етади. Шу боисдан йил бошида спорт йўриқчиси иш ўрни қайтадан тикланди.

Спорт тадбирлари учун хўжалиқ ҳисобидан 2 миллиондан ошқ маблаг сарфланди. Бинобарин, бизда энди спортнинг бошқа турлари каби боксга ҳам катта эътибор қаратилади.

Эришилган катта галаба билан барча юртдошларимизни кўтлайман.

Мустафо ЭГАМҚУЛОВ,
«Абай» наслчилиқ ширкати хўжалиқ бошқаруви раиси.

Хурматли таҳририят! Газетанинг «Хуқуқий мас-лаҳатхона»сида чоп этилган ишга жойлаштириш хуқуқига оид муҳтассас маслаҳати бизга кўп нарс берди. Энди меҳнатга оид муносабатлар-ни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ху-су-сида кенгроқ тушунча берсангиз.

**Н.САИДОВ,
И.БОЗОРОВ,
Тошкент шаҳар,
Чилонзор тумани.**

Ушбу саволга Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексидан батафсил жавоб олиш мумкин. Хусусан, 1-моддада меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар хусусида тушу-нача берилди. Таъкидлани-шича, Ўзбекистон Респу-бликасида меҳнатга оид му-носабатлар меҳнат тўғри-сидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шу-нингдек, жамоа шартнома-лари ва бошқа локал нор-матив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфа-атларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилиниши, ҳаққоний ва ҳавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходим-ларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиги ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат уну-мдорлигининг ўсишига, иш си-фати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг мод-дий ва маданий турмуш да-ражаси юксалишига кўмакла-шади.

3-модда. Меҳнат кодек-сининг амал қилиш дои-раси

Меҳнат кодекси Ўзбеки-стон Республикасининг бутун ҳудудда амал қилади.

4-модда. Меҳнатга оид муносабатларни қонулар орқали ва шартномалар асосида тартибга соли-шинг ўзаро боғлиқлиги

Ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва кафолатла-рининг энг паст даражаси қонулар билан белгилаб қўйилади.

Қонулардаги нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа нор-матив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳуж-жатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўрта-сида тузилган меҳнат шарт-номалари билан белгилани-ши мумкин.

Меҳнат ҳақидаги келишув-лар ва шартномаларнинг шартлари, агар қонунда бо-шқа ҳрлат кўрсатилмаган бўлса, бир тарафлама ўзгар-тирилиши мумкин эмас. Меҳ-нат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинмаган

масалалар меҳнат тўғрисида-ги шартнома тарафларининг келишув асосида, ўзаро ке-лишилмаган тақдирда эса, — меҳнат низоларини кўриб чи-қиш учун белгиланган тар-тибда ҳал қилинади.

5-модда. Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномалар шартлари-нинг ҳақиқий эмаслиги

Меҳнат ҳақидаги келишув-лар ва шартномаларнинг хо-димлар аҳолини меҳнат тўғрисидаги қонулар ва бо-шқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараган-да ёмонлаштирадиган шарт-лари ҳақиқий эмас.

6-модда. Меҳнатга оид муносабатларда камси-тишининг тақиқланиши

ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга ет-маганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги ало-ҳида гамхўрлиги билан бо-ғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказил-ган моддий ва маънавий зар-рарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожа-ат қилиши мумкин.

7-модда. Мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат инти-зомини сақлаш воситаси та-

кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади.

9-модда. Меҳнат соҳа-сидаги давлат бошқаруви. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этили-шини тақкириш ва назорат қилиш

Меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вази-рлиги ва унинг ҳудудий орган-лари амалга оширади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари-га риоя этилишини текши-риш ва назорат қилишни қўй-идагилар амалга оширади:

1) шунга махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;

2) касаба уюшмалари ҳамда уларнинг меҳнатнинг ҳуқуқ ва техника бўйича ин-спекциялари.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатла-рига риоя этилишини текши-ришни қонунда белгиланган тартибда амалга оширади-лар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда меҳнат тўғрисида-ги қонуларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбе-кистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсуну-вчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

10-модда. Халқаро шартномалар, конвенция-лар ҳамда Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжат-ларининг нисбати

Агар Ўзбекистон Респу-бликасининг халқаро шартно-масида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида хо-димлар учун меҳнат тўғриси-даги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нис-батан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ёки Халқаро Меҳнат Ташки-

лотининг Ўзбекистон томо-нидан ратификация қилин-ган конвенциясининг қоидалари меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳол-ларда ҳам қўлланилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқа-роси бўлмаган шахслар-га нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳуж-жатларининг қўлланили-ши

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш бе-рувчи билан тузилган меҳ-нат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаро-лиги бўлмаган шахсларга ҳам таъбиқ этилади.

12-модда. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳуж-жатларининг чет эл кор-хоналарида қўлланили-ши

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республика-си ҳудудда жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжат-лари қўлланилади.

13-модда. Ушбу Ко-дексда назарда тутилган муддатларни ҳисоблаш

Ушбу Кодекс меҳнат ҳуқуқлари ва бурчларининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши билан боғлиқ бўлган муддатнинг ўтиши унинг бошланиши белгиланган календар куннинг эртаси-дан эътиборан бошланади. Йиллар, ойлар, ҳафталар билан ҳисобланадиган муд-датлар сўнгги йилнинг, ой-нинг, ҳафтанинг тегишли кунинда туғайди. Календар бўйича ҳисобланадиган ҳафталар ёки кунлар муд-датига ишланмайдиган кун-лар ҳам қўйилади.

Башарти муддатнинг сўнгги куни ишланмайдиган кунга тўғри келса, ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддат туғайдиган кун деб ҳисобланади.



Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жин-си, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муно-сабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансубли-ги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижалари-га алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чекла-шларга ёки имтиёзга белги-лашга йўл қўйилмайди ва бу-лар камситиш деб ҳисобла-нади.

Меҳнат соҳасида меҳнат-нинг муайян турига ҳос бўлган талаблар ёки давлат-нинг юқорилик ижтимоий

«МАРГИНОНИЙ - БУЮК ХУҚУҚШУНОС»

Фаргона Давлат университети кутубхона-сида фикшунос олим Бурхониддин ал-Мар-гиноний таваллудининг 910 йиллигига ба-ғишлаб ташкил қилинган кўргазма ана шун-дай номланди.

Унда аллома ҳаёти, илмий-маданий ме-роси, дунё фани тараққиётида тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар, ўша давр-га оид тош босма, арабий, форсий мил-лардаги китоблар, қасам, закот, никоҳ, ризо, талоқ, ажралиш хусусидаги масалалар жам-ланган «Ҳидоя» асари алоҳида ўрин эгалла-ган. Мазкур кўргазма бобокалонимиз маъ-навий меросини ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Р.Камолов, ЎЗА мухбири



НЕГА ХУНОБ?

жиддий камчиликларга йўл қўйилмапти

Кувоновга 7,8 фоиз қилиб тақсимланди. Кор-хона умумий йиғилиши қарорининг 3-бандида мазкур мулк қийматининг тақсимланган улушини хоҳлаган кишига ари-за орқали бериш мум-кинлиги эслатиб ўтилди. Шу асосда И.Утаназаров, И.Аъзамовлар ўз улушлар-ини Ф.Тўхтаева, М.Аъ-замова эса ўз улушини С.Санаевага нотариал идорасида тасдиқланган ариза билан беришди. Бирлашма раҳбари Ф.Тўхтаев 7 мартдаги 2-рақамли хатиде бош ҳосилот М.Турсуновга 117 минг сўмдан ортиқ-роқ миқдордаги улушини шу йилнинг 9 мартигача тўлашни, акс ҳолда ушбу улуш тўлашга қодир иш-чи-хизматчиларга тақ-симланишини маълум қилиб оголантирди. Ле-кин у хатни олишдан ҳам, талабни бажариш-дан ҳам бош тортиди. М.Турсуновнинг ўз улуши қўлдан кетаётганига эмас, ўзи 14 йил ишла-ган, умрининг анча қис-мини ўтган корхона мулк-ининг сувтекинга сотила-ётгани, бунинг устига уни банкротлик ҳолатига келтириб қўйган шахслар томонидан талон-тарож

шаббуси билан Респу-блика «Сабзавотнавуруғ-лари» уюшмасининг 1999 йил 2 апрелдаги № 12 К сонли буйруғига асосан у вазифасидан бўшати-либ, бироқ таажубки, шу уюшманин 1999 йил 28 апрелдаги К-23 сон-ли буйруғи билан вази-фасига тикланди. Рес-публика уюшмаси раҳба-риятига нотўғри таклиф киритгани учун Ф.Тўхта-ев оголантирилди. Худ-ди шунингдек МЧЖ раҳ-барининг шу йил 5 май-даги 12-сонли буйруғи билан бош ҳосилот М.Турсунов яна вазифа-сидан четлаштирилди ва яна шу раҳбарнинг шу йил 15 июндаги 14-сон-ли буйруғига кўра вази-фасига қайта тикланди. Муҳаммад Турсунов яна тинчимасди, ҳақ йўлда курашаверди. Ни-ҳоят, вилоят ҳокимининг шу йил 29 июндаги Ф-161-сонли фармойиши билан ҳолис комиссия тузилди. Комиссияга ху-сусийлаштириш жараё-нида йўл қўйилган кам-чиликларни аниқлаш, бирлашма мол-мулклар-ининг ҳақиқий баҳоси-ни белгиланг топширил-ди.

Буни қарангки, хусу-сийлаштириш жараёнида мол-мулк баҳоси 1.185600 сўм дейилган бўлса, ўрганиш жараё-нида 453006 сўмга туши-рилди. Жумладан, маъ-

мурий бино хусусийлаш-тириш жараёнида 492400 сўм - ўрганиш жараёни-да эса 65276 сўмга ба-ҳо-ланди. Кондиционер 200 сўмдан 170 сўмга, 3 донна темир шкаф 200 сўмдан 111 сўмга тушди. Хар бирининг баҳоси 37 сўмданга тўғри келди ва ҳоказо. Вазирлар Маҳка-масининг 1994 йил 24 ноябрдаги 572-сонли қарориде кўрсатилган мулкни қайта баҳолаш тартибининг 1-иловасига биноан бирлашма мулк-лари асосан 1993 йил 1 апрелдан кейин қурилга-ни, сотиб олингани ва ҳоказо бўлганлиги са-бабли ушбу мулкни ба-ҳолашда 1,2 коэффицен-тни ишлатиш лозимлиги, олдинги баҳолаш жараё-нида мулкларнинг оли-нган йиллари нотўғри бе-рилганлиги оқибатида 9,8 коэффицентидан фойдаланилгани учун мулк қиймати ортиб кет-гани айтиб ўтилди.

Комиссия аъзоси аудитор М.Азизовнинг фикрича, хусусийлашти-риш тўғрисидаги Қонун-нинг 10-модда 1-банди-га кўра давлат тасарру-фидан чиқариш ва хусу-сийлаштиришда объект-нинг нархини давлат мулк объектларини та-сарруф этувчи белгилай-ди. Бу нарх объект қий-матининг комиссия чи-қарган дастлабки баҳо-сидан кам бўлиши мум-

«ЎЗБЕКИСТОН - УМУМИЙ УЙИМИЗ»

Жамоатчилик фикрини ўрганиш билан шу-гулланувчи ҳукуматга қарашли бўлмаган «Ижтимоий фикр» маркази «Ўзбекистон - умумий уйимиз» мавзусида сўров ўтказди.

Сўров Қорақалпоғистон Республикаси, тўрт вилоят ва Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида ўтказилди. Унда Ўзбекистон фуқаролари «рес-публикада истиқомат қилувчи асосий этник гу-руҳлар вакиллари иштирок этди.

Сўровда иштирок этганларнинг 95,7 фоизи тинчлик ва барқарорлик, умумий уйимизда қарор топган миллатлараро ва фуқаролар то-тувлигини мустақил Ўзбекистоннинг энг қим-матли бойлиги деб ҳисоблайди.

94,7 фоиз иштирокчилар миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини Ўзбекистон Республи-каси Президенти Ислам Каримов юритаётган оқилона сиёсат самараси деб билади.

Сўралганларнинг кўпчилиги (80,7 фоиз) қатъ-ий ишонч билан билдирган фикрга кўра, мам-лакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинли-кари, кишиларнинг миллати ва диндан катъ-ий назар, муҳофаза қилинган. Хар иккинчи одам уларга «тўлиқ риоя қилинмоқда» деб ҳисоблайди. Фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларига айрим ҳол-ларда қатъий риоя қилинмапти, деб ҳисоб-лайдиганлар бор-йўғи 4,6 фоизни ташкил эта-ди.

Умуман, сўралганларнинг фикрига кўра, жа-мийядаги миллатлараро муносабатлар барқа-рор характерга эга, шу билан бирга турли мил-лат вакилларининг ижтимоий фаоллиги тобо-ра ортиб бормоқда. Сўралганларнинг 96,4 фо-изи мустақиллик йилларида қарор топган мил-латлараро ва динлараро муносабатларга ижо-бий баҳо берганлиги бунинг далилидир. Сўрал-ганларнинг 26,8 фоизи ушбу муносабатларни жуда яхши, 46,9 фоизи яхши, 22,7 фоизи эса қониқарли деб ҳисоблайди.

Умуман, тадқиқот натижалари республикада миллатлараро бирлик - ўзбекистонликлар де-ган тушунча юзага келаётганидан далолат бе-ради.

«Ижтимоий фикр» маркази миллатлараро ва динлараро муносабатлар жараёнлари ривож-ланишининг ҳолати ва ўзгариши, уларнинг асо-сий йўналишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр-кинликларига риоя этилишининг асосий шарт-лари ҳамда амалдаги шариоитлари, шунингдек жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва миллатларо-ро барқарорлиқни сақлаш ҳамда мустақамлаш-га кўмаклашувчи омилларни мунтазам ўрга-ниб боради.

(ЎЗА)

OLAMDA

Р И М. Италия ташқи ишлар вазири Ламберто Дини ўз мамлакатининг раҳбарияти Югославияда янги сайланган президент Воислав Коштуницани тўлиқ қўллаб-қувватлашни билдирди. Шунингдек, у Югославия ва Сербиядаги вазият барчанинг диқ-қат-эътиборида эканини ва «Катта еттилик» давлат-ларининг ташқи сиёсат маҳкамалари вакилларининг музокараларида ҳам назардан четда эмаслигини таъкидлади.

Б Р Ю С С Е Л. Белгия раҳбарияти Исроил ҳукумати ва фаластинликларни дарҳол сиёсий мулоқот бошлашга ва вазиятни барқарорлаш-тиришга тўқинлик қилмаган барча хатти-ҳара-катлардан воз кечishi чақирди. Мамлакат бош вазирининг ўринбосари ва ташқи ишлар вази-ри Луи Мишел яҳудийлар билан фаластинлик-лар ўртасида кечаётган қонли тўқнашулардан ташвиш билдирди.

П А Р И Ж. Франция раҳбари Жак Ширак ва АҚШ президенти Билл Клинтон Яқин Шарқда авж олган зўравонлик ҳаракатларининг келиб чиқиш са-бабларини ўрганадиган халқаро комиссия тузиш фикрини маълумлади. Улар халқаро комиссиянинг тузилиши Яқин Шарқдаги вазиятни юмшатишига ишонч билдирмоқда.

К О Х И Р А. Яқин Шарқда бир неча кундан бўён давом этаётган тартибсизликлар натижа-сида ҳалок бўлганлар сони элликдан ошди. Курбонлар орасида ёш болалар ва ўспиринлар ҳам бор. Бундан ташқари, икки мингга яқин киши турли даражада тан жароҳати олган.

В И Л Ё Н Ю С. Литвада 8 октябр куни мамла-кат парламенти -Сеймга ўтказиладиган сайловда бевосита иштирок этиш имконияти бўлмаган фуқа-ролар почта орқали овоз бериши мумкин. Улар 3 октябрдан жума кунига қадар қайси номзодни маъ-қуллашни почта орқали маълум қилиши керак. Бун-дай имконият фақат ҳарбий хизматчилар, денгиз-чилар, маҳбуслар, оғир ётган беморлар ва хизмат сафариде бўлган шахсларга берилади.

(ЎЗА)

П И М Я С А Р

ЎЗБЕК БОКСЧИСИ - ОЛИМПИА ЧЕМПИОНИ

(Боши 1-бетда.)

Оиладаги ягона ўгли Муҳаммадқодирни бокс машгулотларига фарзандидаги йигитларга хос ирода ва қатъият каби фазилатларни илган отаси Муҳаммад-ёқуб ака етаклаб келди.

Бундай фазилатлар Муҳаммадқодир Абдуллаевга 1990 йилда «Меҳнат резервлари» Марказий Кенгаши таркибидега ўсириб ўртасида собиқ Иттифок чемпиони унвоғига сазовор бўлишига ёрдам берди.

1993 йили Муҳаммадқодир Абдуллаев Финляндияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатидан медалсиз қайтди. 1995 йилда Германияда ҳам дастлабки ўйинда ютқазиб қўйди. Бироқ Муҳаммадқодирнинг иродаси букилмади ва 1997 йилда у Осиё чемпиони унвоғини қўлга киритди. Бу галаба Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг кейинги ажойиб ютуқларининг дебчаси бўлиб қолди.

Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг боксчи сифатидаги ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Ҳаётда камгап ва жуда тортинчқ бу йигит рингда бетимсол маҳорат кўрсатишга қодир. Ҳатто рақибининг кучли томонларидан ҳам ўз галабаси

йўлида фойдалана олиш иқтидорига эга. Келинг, унинг белоруссиялик Биковский билан чорак финалдаги учрашувини эсга олайлик.

Ҳар икки боксчи яхши тажрибага эга, бирдек маҳоратли. Аммо Биковский оёқлари кучли ва бакуват бўлгани учун ринг ўртасида кураш олиб бориш ва эркин ҳаракат қилишни ёқтиради.

Муҳаммадқодир Абдуллаев рақибининг бу хислатини яхши билгани учун, биринчи галда, ташаббусни ўз қўлига ола билди ва бутун ўйин давомида уни бурчакка «сиқши»га ҳаракат қилди. Натижада арқонга боғланиб қолган Биковский техник жиҳатдан ҳам, тактик жиҳатдан ҳам боксчимизга ютқазиб қўйди. Бу оғир ва кескин кураш 8:6 ҳисоби билан якунланди.

Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг америкалик Ричард Уильямс билан финал учрашуви, айниқса, жуда қизиқарли бўлди. Боксчимиз Ричард Уильямс 1999 йили Хьюстонда бўлиб ўтган чемпионатдан буён танийди. Ушунда ҳам Муҳаммадқодир америкалик боксчи устидан галаба қозониб, Жаҳон чемпиони бўлган эди.

Америкалик спортчи Муҳаммадқодир сингари икки қўли билан ҳам кучли ва аниқ зарба бера олади. Ярим финал

ўйинларида у кубалик Луна Диогенос билан учрашувда 42:40 ҳисоби билан галаба қозониб, сўнгги йилларда маҳорати янада ошганини намойиш этди.

Муҳаммадқодир Абдуллаев рақибини ҳисмонан қарчатиб, иродасини энгишга ҳаракат қилди ва 27:20 ҳисобида галаба қозонди. Муҳаммадқодир яна бир бор ўз рақибидан устун келди ва Олимпия чемпиони унвоғини қўлга киритди. Яратган Муҳаммадқодир Абдуллаевга бекиёс куч ва ғайрат ба-робарида рингда рақибининг ниятларини ол-

диндан илғаб олиш, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам ўзини йўқотмасликдек қобилият ато этган.

Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг бу галабасига ҳисса қўшган устозлари ҳақида гапириб берсангиз.

Муҳаммадқодирга илк бор Андижон спорт интернати ўқитувчиси Шухрат Абдуллаев устозлик қилган. Кейин у билан наманганлик Лолин Кўчқоров шугулланган. Сўнгги йилларда эса унга андижонлик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Маро Кўчқоров устозлик қилмоқда.

Маълумки, боксчиларимиз Олимпия ўйинларига жуда жиддий тайёргарлик кўришган - камида учта боксчимиз - Ўткирбек Ҳайдаров, Руслан Чагаев ва Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин медал учун курашиши керак эди.

Ҳа, боксчиларимиз Франция, АҚШ, Россия, Украинада ўз спорт маҳоратларини ошириш устида иш олиб боришди. Июль ойида Москвадаги Халқаро турнирда россиялик, украиналик, қозоғистонлик боксчилар билан куч синадилар. Августда Алуштада туркиялик, қозоғистонлик, ук-

раиналик спортчилар билан учрашди.

Афсуски, спортда худди ҳаётдагидек, муваффақиятнинг қатор объектив ва субъектив омиллари бор.

Халқаро бокс ассоциациясининг вице-президенти Эмиль Жечен Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида айтиб ўтдики, ХБА ижроя ўйини аъзолари билан учрашув пайтида унинг президенти, профессор Анвар Чаудри Сиднейдаги XXVII Олимпия ўйинлари ҳақамлари, умуман олганда, кам хато қилишганини қайд этган. Лекин айрим ҳақамлар замонавий бокс қоидаларини турлича талқин этишди. Масалан, айрим ҳолларда очик қўлқоп билан берилган зарба ҳисобга олинса, айрим ҳолларда ҳисобга олинмади. Натижада ҳақамлар комиссиясига бешта даъво аризаси келиб тушди.

91 килограммлик вазнда ўзбекистонлик боксчи Рустам Саидов ва қозоғистонлик спортчи Мухтор Дилдабеков учрашувидан сўнг ўзбекистонлик мураббийлар қозоғистонлик боксчи қоидаларга зид равишда Рустам Саидовга белдан пастга очик қўлқоп билан зарба берганлиги учун даъво аризаси берилди. Даъво аризасини саккиз нафар эксперт қўриб

қилди. Уларнинг тўрттаси Дилдабеков галаба қозонди, деб ҳисобласа, тўрт нафари Дилдабеков бир неча бор қоидаларни бузгани учун ўйиндан четлатилиши лозим, деб топди.

Натижада Эмиль Жечен айтганидек, Саидовга беш очко, Дилдабековга эса 3 очко қўшилди. Учрашув натижаси эса ўзгармай қолди. Катта хатоларга йўл қўйган югославиялик ҳақамнинг мусобақалардан четлаштирилиши ҳам Рустам Саидовга энгиллик бермади.

Шундай нохушликлар бўлмаганда, боксчиларимиз кўпроқ медалларни қўлга киритган бўлар эди. Шунга қарамай, боксчиларимиз жамоа ҳисобида Куба, Россия ва Қозоғистондан сўнг тўртинчи ўринни эгаллади. Боксчиларимиз учта медал - Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин медални, Сергей Михайлов ва Рустам Саидов бронза медалларини қўлга киритишди.

Барча ўзбекистонликлар Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг мукофотлаш маросимидаги шодлигини кўрган бўлса керак. Ватанимизнинг мард ва жасур ўғли юксак мукофотни қўлга киритиб, Ўзбекистон шарафини кўқларга кўтарди.

(ЎЗА).



Суратда: Олимпиада бронза медали соҳиби Рустам Саидов устози, хизмат кўрсатган мураббий Михаил Романчук билан.

Тошкентда «Амако-Боулинг» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Пойтахтнинг йирик дам олиш мажмуи ҳисобланган «Амако-Боулинг»да гарбда оммабоп бўлган боулинг ўйини ўйналади. Қўшма корхонани барпо этилиши ва унинг истикболлари хусусида мазкур корхона бош директори Жун Жай Ил «Туркистон-пресс» муҳбирига шундай деди:

ТОШКЕНТДА БОУЛИНГ

— Янги қўшма корхонага Ўзбекистондан «Амати», Жанубий Корея томонидан «Корен лазер спорт» компаниялари муассис бўлишди. Уни ташкил этишда Россиянинг «Стил» фирмаси ҳам иштирок этди. Хусусан, мазкур фирма бино қурилишига маблағ ажратди. Мажмуага зарур барча ускуналар Американинг «Брунк свит» фирмаси томонидан етказиб берилди.

Замонавий бино икки минг квадрат метрли ероси гаражга эга. Бинонинг иккинчи қаватида меҳмонхона, томида теннис корти, ҳамда ресторанга эга бўлган ёзги кинотеатр қуриш режалаштириляптир.

Муассисларнинг хомчўт қилишича, корхонага қилинган сарф-харажатлар икки ярим йилда ўзини оқлайди. Қўшма корхонанинг ўзбекистонлик раҳбари Бахтиёр Абдурабиев эса боулингнинг жаҳонда тобора оммалашаётганини, ўйиннинг мазкур турини Ўзбекистонда оммалаштириш истаги ушбу мажмуанинг Тошкентда барпо этилишига туртки бўлганини қайд этди.

Боулинг одамни тоқитирмайдиган, аксинча мириқиб хордик чиқарадиган спорт тури ҳисобланади. Боулингга кириш бепул бўлиб, у кеча-ю кундуз ишқибозларга хизмат қилади. Бир марталик ўйин нархи 700 дан 1200 сўмгача.

Қўшма корхона очилишида Тошкентдаги кўплаб дипломатик ва халқаро ваколатхоналар вакиллари иштирок этишди.

«Туркистон-пресс»

2000 йил — Соғлом авлод йили

Она сутининг тенгсиз мўъжиза экани қадимдан маълум. «Тоза сутни сизга озуқа қилиб юбордик» дейилади Куръони Каримда. Лекин, кўкрак сутини нафақат гўдак танасига озуқа, балки қалбига меҳр-муҳаббат туйғуси бўлиб ҳам сингади. Болалар нимжон ва инжиқ бўлиб ўсса, момоларимиз «бу она сутига тўймаган» дейиши ҳам шундан. Демак, она сутини боланинг маънавий баркамоллигига ҳам муҳим аҳамият қасб этаркан! Бу нарса илмий манбаларда кўп мартаба тақдорланади. Замонавий тиббиётимиз ана шундай далил ва исботларга таяниб, оналар ўртасида тарғибот-таъшиқот ишларини юритмоқда. Республика Педиатрия илмий-тектириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори Дилбар Махмудова билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

ОНА СУТИ — ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

— Дилбар опа, она сутини ҳосияти ҳақида келинчақларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз? Сиз раҳбарлик қилаётган институтда бу соҳада қандай ишлар амалга ошириляптир?

— Авлод соғломлиги учун курашнинг муҳим омилли гўдакни кўкрак сутини бериб боқишдир. Чунки бундай судга бола ҳаёти учун гоё зарур бўлган озик моддалар ва витаминлар мавжуд. Улар гўдак вужудига осон сингади ва тўлиқ ҳазм бўлади. Бундан ташқари, она сутини болани турли хил касалликлардан асровчи моддалар — антителалар ва ферментлар бор. Бу сут таркибидеги углеводлар озиклик хусусиятидан ташқари, ичакларда микробларнинг ўсишига йўл қўймайди, кальций ва фосфор тузлари эса бола скелетининг тўри шаклланиши ҳамда ривожланишига имкон яратди. Кўкрак сутининг яна бир ҳосияти шундаки, у бола танасида турли хил хасталикларга қарши бир умрга етгулик иммунитет ҳосил қилади.

Увуз сутини ҳақида алоҳида сўз юритмоқчиман, чунки унинг бебаҳо неъмат эканини ҳар бир она яхши билиши лозим. Бола дунёга келгандан сўнг дастлабки икки-уч кун ичида онанинг сут безлари сарғи-

имтир рангли суюқлик ажратди. Бу увуз сутидур. Унинг таркибидаги кўват билан йўғрилган, широбош хусусиятлари эса беҳисоб. Увуз сутини оқсил кўп. Унда кейинги кўкрак сутига нисбатан витамин А, каротин, аскорбат кислоталар 2-3 мартаба, витамин В1, В2, ва тузлар 1,5 мартаба кўпдир. Увузда А иммуноглобулин айниқса, сероб. Бу сут оқсил, ёғ, углеводлар билан бир қаторда минерал унсурлар, ферментлар ва гормонларга низоҳатда бой.

Умуман, она сутини эмган бола нафақат соғлом, балки меҳрибон бўлиб ўсади. Америкалик бир гуруҳ олимларнинг тадқиқот натижаларига кўра, жиноятчиларнинг 90 фоизига яқини гўдаклиқдан сунъий озуқа истеъмол қилганлар ташкил этаркан! Бу ҳақиқатни ҳар бир она ўз вақтида тушунтириш даркор.

басига эга бўлган аёллар маслаҳатхонамизга келишиб, ёш оналарга чақалоқни парварилаш, кўкрак сутини бериб боқиш ҳамда эмизиш давомида сутнинг камайиб кетмаслигига оид йўл-йўриқлар кўрсатишади, ўз тажрибаларидан сўзлаб беришади. Чунки, онанинг ўзини яхши ҳис этиши, ўз гўдагини эмизишга бўлган истаги, эмизиш чоғидаги эҳтироси, ўзига бўлган ишончи — яхши ва тўлиқ эмизининг асосий шартларидир. Чарқоқ ва ёмон кайфият сут ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади.

гилган бола уч-тўрт кундан сўнггина онасига бериларди. Бунинг устига болани ҳар уч соатда эмизиш кераклиги онага тинмай ўқитириларди. Аслида бола эмизиш давомида дарҳол уни эмизиш лозимлиги қадимдан маълум. Эндликда она кўзи ёриши биланоқ бола кўзи эмизишга қўрақ тутди. Шу заҳотиёқ унинг қаровати ёнига гўдагининг ҳажми кўраватчаси қўйилади. Лекин, ёш оналар яна битта нарса билан ишларни керак. Болани эмизиш ҳомилдорликдан сакловчи воқита ҳамдир. Она ўз гўдагини икки-уч ёшигача эмизиб боқса, ўзи ҳам шу вақт ичида дам олади, танаси илгариги соғлом ҳолатига қайта боради. Бу билан у нафақат ўзини, балки гўдагини ҳам турли хасталиклардан асрайди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумоти-га кўра, чақалоқ онасини камида олти ой эмса, ҳар йили дунё бўйича бир миллиондан зиёд болани ўлимдан сақлаб қолиш мумкин бўларкан. Сунъий озуқалар билан ўсган болаларга қараганда она сутини эмган болаларда касалликка чалиниш 2,5 барабар камроқ кузатилади. Айниқса, ўткир ичак хасталиклари туфайли нобуд бўлиш эмизликларда 25 мартаба кам учрайди. Қараган, она сутининг мазмун-моҳияти қанчалар тегар! Ҳар бир ёш она шунини билиши керакки, жамият соғлом миллат яратишдек улкан вазифани оналар зиммасига юклаган. Демак, болани ҳар томонлама баркамол қилиб ўстириш учун биринчи галда она билимдон ва ҳушёр бўлмоғи шарт. Ҳар биримиз жамият талабларини чуқур англаб, унга амал қилиб яшайлик. Ана шундагина оналикдек муқаддас вазифани ҳалол ва беқаму кўст уддалаган бўламиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА суҳбатлашди.

ИСПАН ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон тиллари университети хориждаги қатор йирик олий ўқув юртлири билан алоқалар боғлаб келмоқда. Испаниянинг Гранада университети билан ўқув-илмий ҳамкорлик ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Бундан уч йил муқаддам ҳар икала олий ўқув юрти ўртасида битим имзоланган эди. Ана шу ўзаро келишув асосида кўп хайрли таълимий жараёнлар амалга оширилмоқда. Яқинда Жаҳон тиллари университетида испан тили ва маданияти марказининг очилди. Гранада уни-

верситети ёрдами билан марказ компьютер, телевизор, аудио-видео магнитофони ва испан тилидаги кўпгина дарсликлар, лугатлар, ўқув қўланмаларига эга бўлди. Испания томонидан ҳаё қилинган ризограф аппаратидан эса муҳим техник ўқув куроли сифатида фойдаланилмоқда.

Гранада университети ҳамкорлик шартномасига кўра испан тили ва маданияти марказини яна қўшимча техникалар билан қуроллантириш учун маблағ ажратадиган бўлди.

А. АЛИЕВ.



ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Республика фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» ҳамда «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида пойтахтимиздаги «Ёшлик» қаҳвахонасида Халқаро қариялар куни муносабати билан тантанали кеча ўтказилди.

Унда тумандаги бугунги кунда кексалик гаштини сураётган уруш ва меҳнат фахрийлари, муаллим ва мураббийлар, хизмат кўрсатган ўқитувчилар иштирок этдилар. Улар учун жаннатмақом ўлкамизнинг ажойиб ноз-неъматлари билан безатилган байрам дастурхони ёзилди. Фахрий устозлар меҳнат фаолиятлари, қарияларга давлатимиз томонидан кўрсатиляётган ғамхўрликлар ҳақида фахр билан сўзладилар.

— Халқимиз қариси бор уйнинг париси бор деб беҳиз айтмаган, - деди республика «Нуроний» жамғармаси раиси Эркин Боқибоев дил сўзларини изҳор этар экан. — Сиз фахрийларнинг ҳар бир сўзингиз, дуою пандларингиз олтинга тенгдир.

Бундай эҳтиромдан тўлқинланган уруш ва меҳнат фахрийлари ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар: — Бугунги тадбирга 40-50 йиллик меҳнат тажрибаларига эга бўлган фахрийлар йиғилганлар, - деди Мустақиллик маҳалласи оксоколи Хусан Тўйчиев. — Уларга кўрсатиляётган меҳр-оқибат ва эътибор учун жамғарма вакилларига маҳалламиз номидан раҳматлар айтман. Гап совғада эмас, инсонга бўлган эътиборда. Туманимиз бўйича 300 нафарга яқин 90 ёшга етган табаррук отахон онахонлар яшайди. Уларни кўрсатиляётган ғамхўрликлардан бугун уларнинг қўллари меҳр-мурувватли инсонларни алқаб, дуога очилган.

Байрам тадбирига тумандаги «Юлдуз» маданият уйи қошидаги Қаюмжон Усмонов ва Абдурашид Усмоновлар бошчилигидаги эстрада дасталари ўз куйи ва кўшиклари билан файз киритдилар.

Муҳаббат ДАВРОН, «Ишонч» муҳбири.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таъхир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар ва
реклама, эълонлар
бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Обфет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нусха. Сотула эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти 21.00
Топширилди 23.00